O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 феврал шанба

Сотувда эркин нархда

№ 30 (2592)

## Мустақиллик иншоотлари

## Янги сув спорти саройи





*Истиқлолимизнинг 10 йиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Бу қутлуғ санани муносиб нишонлаш учун бутун мамлакатимизда бўлгани каби пойтахтда ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, шодиёна арафасида Тошкент метросининг «Юнусобод» йўналиши бўйича 7,5 километрлик 6 та станцияси ишга туширилади. Шаҳарнинг кичик ҳалқа йўли — Амир Темур кўчасидан Шимолий темир йўл вокзалигача бўлган йўлни боғловчи бир нечта кўприк қурилиши тугалланади. «Юнусобод» теннис кортининг ёнида эса ўхшаши йўқ янги сув спорти саройи барпо этилади. Айни кунларда мазкур сарой қурилишида 12 та қурилиш ташкилоти жамоаси фаол иштирок этмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: «Ўзсантехгазмонтаж» қурилиш-сервис ташкилотининг Қорақалпоғистондаги бўлинмаси иш юритувчиси Алламберган Йўлдошев ва электрпайвандчи Рўзмат Худиков; «Авлодқурилиш» ташкилотининг монтажчилари иш устида.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган суратлар.**

# КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилишида 2000 йилда хўжалик субъектлари фаолиятини текширишни тартибга солиш бўйича олиб борилган ишлар якунлари муҳокама қилинди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур кенгаш раиси Т.Алимов бошқарди. Унда Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларининг мазкур масала юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда назорат органлари томонидан текширилган хўжалик субъектлари сони 2000 йилда ундан олдинги йилга нисбатан 2,3 марта қисқаргани қайд этилди. 81 мингта ёки текшириш билан қамраб олинган хўжалик субъектларининг учдан икки қисми комплекс тартибда текширилган. Кенгаш қарорига мувофиқ амалга оширилган режадан ташқари текширувлар сони 3,5 марта қисқарган. Назорат органларининг иш самарадорлиги ошган. Улар томонидан тартиббузарликка йўл қўйган хўжалик субъектларига нисбатан 60 миллиард сўмдан ортиқ молиявий-иқтисодий чоралар кўрилган.

(Давоми 2-бетда).

## ЛЕОНИД ЛЕВИТИН:

# «МЕН ДИЛИМДАГИЛАРНИ ЁЗДИМ»

***Илгари хабар берилганидек, Россиядаги "Вагриус" нашриётида профессор Леонид Левитиннинг "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" номли китоби чоп этилди.***

***Ҳозирги пайтда Леонид Исидорович Левитин Германиянинг Франкфурт шаҳрида истиқомат қилади. Яқинда муаллиф Тошкентда бўлган кезларида "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирлари у билан учрашиб, мулоқотда бўлишди.***

**— Леонид Исидорович, Сизни Ўзбекистонда "Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти" номли китобнинг муаллифи сифатида билишади. Асар республикадаги вазиятни, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва мамлакат Президентини яхши билган ижодкор томонидан ёзилгани шундоқ сезилиб туради. "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" номли иккинчи китобингизни ёзишга қўл урганингиз сабаби нималар билан изоҳланади?**

— Биринчи китобни қатъий режалаштирувларсиз, завқ ва ғайриоддий бир шитоб билан ёздим. Вақтим оз, ишларим эса жуда кўп эди. Ўша пайтлар муайян хулосалар чиқариш учун етарли даражадаги вақт ўтмаган, чунки Ўзбекистон мустақиллик шароитида атиги бир неча йил яшаган эди.

Иккинчи китобни ёзишга қарор қилганимда қўлимда турли манбалардан олинган етарли даражадаги материаллар тўпланганди, қолаверса, бўш вақтим ҳам бор эди. Бу ишга қарийб икки йил вақт сарфладим. Мен ўзимни Ўзбекистонни кўпдан бери биладиган киши ҳисоблайман. Мен бу мамлакатни севаман, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни биламан ва ҳурмат қиламан. Мен китобимда ёзганимдек, мамлакатингиз, жуда қаттиқ ҳурмат қилган ва севганим — унинг халқи олдида бурчдорлик туйғусини қалбан ҳис қилиб, ички бир эҳтиёж туфайли қўлга яна қаламни олдим.

Китоб устида ишлаш жараёнининг ўзи мен учун қизиқарли ва роҳатбахш эди. Чунки менда нафақат қувваи ҳофизамдаги фикр-ўйларимни, балки ички, қалбимдаги кечинмаларни ҳам оқ қоғоз юзига тушириш имкони бор эди.

Асар ёзиш жараёнида мен тўнғич ўғлим билан тез-тез баҳс-мунозарага бориб турардим. У маълумоти бўйича математика мутахассиси ва менинг оиладаги асосий оппонентимдир. Унинг айрим масалалардаги қарашлари мен учун қизиқарли эди. Кунлардан бир кун у Президент Ислом Каримов нега менда кучли таассурот қолдирганини сўраб савол берди. Мен унга шундай жавоб бердим: у, аввало — ростгўй, ҳалол инсон. Хўш, шунинг ўзи камми? У ўйланиб қолди ва сўнгра: йўқ, бу кам эмас, бу жуда ҳам кўпдир, деди.

**— Асарингизда кўпгина тарихий материалларга ҳам мурожаат этгансиз. Машҳур кишилар фикр-кечинмалари ҳамда бошқа маълумотларни тайёрлаш ва излаб топишда Сизга кимдир кўмак бердими?**

— Тарихий материаллар устида ўзим ишладим. Улар юзасидан немис манбааларини жиддий ўргандим, барча, шунингдек, инқилобгача яшаб ўтган ўзбек олиму фузалоларининг ишлари билан яқиндан танишиб чиқдим. Мисол тариқасида таниқли жадидчи Маҳмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб мақола ва асарларни айтишим мумкин.

Тарих ҳамиша бугунни ва келажакни тушуниш учун ғоят нодир имкониятларни беради. Ишончим комилки, тарихсиз, унга мурожаат қилмай туриб бундай ишларни амалга ошириб бўлмайди.

**— Китоб рус тилида нашр этилди, уни нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ мамлакатларидагилар ҳам ўқиб чиқишлари мумкин. Китобхонларга қандай тилакларингизни изҳор этишни истардингиз?**

— Дарҳақиқат, асар Ўзбекистонда ҳам, бошқа республикаларда ҳам ўз ўқувчисини топади. Шу билан бирга, у билан хорижлик ўқувчилар ҳам танишиб чиқишини истар эдим. Мен кўплаб китобхонлар, Ўзбекистон билан қизиқувчи кўп сонли одамларнинг китобни ўқишларини хоҳлайман. Бу мамлакатни тушунишга асар қандайдир янгилик қўшишини истар эдим. Ахир Ғарбда Ўзбекистон ва унинг Президенти ҳақида ёзаётганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон тўғрисида чуқур билимга эга эмаслиги, унинг тарихи, кечаги куни ва бугунидан лозим даражада хабардор эмаслиги бор гапку. Мен ич-ичимдан ҳис қиламан: Ўзбекистонда ҳаммаси яхши бўлади. Мамлакатингизнинг келажаги порлоқ. Мен бунга аминман.

**Лайло АЗИЗОВА,**
**Шуҳрат УМИРОВ.**
**"Жаҳон" АА.**

# БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Халқимизнинг ўзгалар ибрат олса арзийдиган анъаналари кўп. Бутун башарият кўз ўнгида фахрланишга лойиқ аждодларимиз ундан-да бисёр. Улуғ бобокалонимиз ҳазрат Низомиддин мир Алишер Навоий эса шаксиз миллатимиз кўрки ва ифтихоридир. Мана ўн йилдирки, Ўзбекистон Миллий боғидаги ул зоти шарифнинг маҳобатли ҳайкали пойига халқимиз, юртимизнинг энг муҳтарам меҳмонлари гул қўйиб, таъзим этади.

9 феврал куни ушбу муаззам маскан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга қўлларида анвойи гуллар билан талаба-ёшлар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари ва пойтахтимиз меҳмонлари ташриф буюрди. Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ҳазрат таваллудининг 560 йиллигига бағишланган тантанали маросимни очар экан, Навоий шеърияти неча асрлардан буён кишиларни эзгулик сари руҳлантириб келаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов бобокалонимиз таваллудига бағишланган бу йилги тантаналар халқимиз ҳаётида ўчмас воқеа бўлиб қолишини алоҳида қайд этди. Негаки, ушбу муборак сана мамлакатимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Истиқлолнинг 10 йиллиги тантаналари билан ҳамоҳанг тарзда нишонланмоқда. Темурийлар салтанатининг маънавий, мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилган, элининг ҳақиқий халқ, миллат бўлиб шаклланишига беқиёс ҳисса қўшган Алишер Навоийдек фидойи инсоннинг шеърияти доимо хайрли ишларда ҳамнафас бўлиб келмоқда.

Мустақиллик учун кураш йилларида юртимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида буюк мутафаккирнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланиб, Ватанимиз ўз озодлигини қўлга киритган йил — 1991 йил "Алишер Навоий" йили деб эълон қилинди. Зеро, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларининг дебочаси ҳам айнан ана шу қаламжо — Алишер Навоий номи билан юритилувчи боғдан бошланди. Шоир бобомиз ободончилик, юрт фаровонлиги ҳақида қайғургани барчамизга яхши маълум. Шунинг учун ҳам Президентимиз халқимиз, давлатимиз ва истиқлолимиз тақдири ҳал бўлаётган ўша мураккаб пайтларда Алишер Навоий руҳини эъзозлашдек савобли ишларга бош-қош бўлди. Бугунги ҳар соҳада жадал кечаётган ислоҳотларда ҳам ул зотнинг руҳлари мададкор бўлса ажаб эмас.

Маросимда, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А.Орипов, навоийшунос олим А.Ҳайитметов, Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб ўқувчиси Н.Аҳмедова сўзга чиқиб, Навоийнинг ўлмас мероси, ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги беқиёс ўрни хусусида сўз юритди. Тадбир қатнашчилари буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

Шу куни шаҳримизнинг Шоирлар хиёбони ҳам адиблар, жамоатчилик вакиллари, олимлар, ёшлар билан гавжум бўлди. Тўпланганлар Навоий ҳазратларининг бой маънавий мероси ҳақида сўзладилар. Тадқиқотчиларнинг маърузалари ажиб ғазалхонликка уланиб кетди.



Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номи билан юритилувчи Тил ва адабиёт институтида эса Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда шоирнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий йиғилиш бўлиб ўтди. Унда "Навоий ижодининг замонавийлиги", "Шоир насрининг нафосати", "Навоий ва адабиёт назарияси" каби мавзулардаги маърузалар тингланди. Анжуманда туркиялик адабиётшунос олим, профессор Камол Эраслон институт жамоасига бобомизнинг Туркияда чоп этилган "Лисон ут-тайр", "Мезон ул-авзон", "Муҳокамат ул-луғатайн" китобларини топширди.

Юртимиз бўйлаб юбилей тантаналари ва навоийхонлик давом этмоқда.

**(ЎзА).**

# ТАШАББУС ДАРКОР

**Республика маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев билан суҳбат**



***Янги — XXI асрнинг иккинчи ойи ҳам ўтиб бормоқда. Ўтган йили республикамиз маданий ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди? Президентимиз фармонларида кўрсатилган, бажарилиши лозим бўлган ишларни тўлалигича амалга ошира олдикми, ютуқларимиз ва камчиликларимиз нималарда ўз ифодасини топди? Вазир билан мулоқотимиз ана шу ҳақда бўлди.***

**— Хайрулла Равшанович! Маълумки, Маданият ишлари вазирлиги тизими кенг тармоқли, кўп соҳани ўз ичига олади. Бунга кутубхоналар, маданият муассасалари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, «Ўзбектеатр», «Ўзбекрақс», «Ўзбекнаво», «Ўзбекмузей» «Ўзбекцирк», «Усто» бирлашмаларининг олиб бораётган ишлари мисол. Ушбу бирлашмалар фаолияти кенг оммага қандай таъсир кўрсатаётгани тўғрисида сўзлаб берсангиз?**

— Ўтган йил маданият ва санъатимиз учун хайрли келди, десам янглишмайман. Айниқса, отахон театр саналган Ҳамза номидаги академик драма театрига Президентимизнинг ташрифлари катта воқеа бўлди. 1994-98 йилларда ҳукуматимиз томонидан маданият, санъатни ривожлантириш тўғрисида чиққан қатор қарорларни бир ёдга олайлик. Ўша ҳужжатларда кўрсатилган ишларнинг узвий давоми сифатида Ҳамза театрининг мавқеини янада кўтариш бу тарихий воқеадир. Президентимизнинг «шундай қилингларки, бу театр дунёда ўхшаши йўқ, ягона миллий театр бўлиб, мактаб, устозлик вазифасини ўтайдиган, айниқса, ёшларга ибрат бўла оладиган театр бўлсин», — деган сўзларини яна бир эслатиб ўтмоқчиман. Умуман олганда театр санъатининг «куни туғди». Рус академик драма театри биносининг янгидан ташкил этилганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. У ўз томошабинига эга. Бугунги кунда хорижлик меҳмонлар ҳам бу театрни бир кўрсам, дейди.

Бир қанча Ҳамдўстлик мамлакатларида театр санъати инқирозга учраётгани сир эмас. Бизда эса бунинг акси. Қийин шароитда Тошкент Давлат консерваторияси янги биносининг қурилиши гапимиз исботидир.

Мустақилликка эришганимиздан буён театр жамоаларининг эркинлиги ошди. Ўзи асар танлайди, ўзи тайёрлайди, хоҳлаган асарини саҳнага олиб чиқади.

(Давоми 2-бетда).

# Санация — иқтисодий барқарорлик омили

Аввал хабар қилганимиздек, 2001 йилдан санация қилинган 76 қишлоқ хўжалик корхонаси учун ташқи бошқарувчилар танлови якунланди. Танловда иштирок этган 212 номзод — юқори касб маҳорати, тажриба ва малакага эга бўлган туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, йирик бўлинмаларнинг ҳамда юқори кўрсаткичларга эришаётган хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик, молия ва иқтисод соҳасида сезиларли тажриба тўплаган мутахассислардан муносиб кишилар ташқи бошқарувчи сифатида танлаб олинди. Санация талаблари ҳамда уни амалга ошириш механизми кенг қамровли эканлиги, уларни эгаллаш эса алоҳида тайёргарликни тақозо этиши эътиборга олиниб, ташқи бошқарувчилар ҳамда санация хўжаликлари мутахассислари учун махсус дастурлар асосида ўқув ташкил этилди.

# Навоий ёнимизда...

Таваллуд кунлари баҳона ҳазрат Алишер Навоий ҳақида жуда кўп таъриф ва сифатлар қайтадан айтилди, мақолалар ёзилди, ашъорлар битилди... Бир шоир у кишини ойга менгзади. Лекин ул ой биздан бир юз саксон минг километр узоқликда, Навоий эса шундоқ ёнгинамизда, фақат унга юз бурсак бўлди, деди. Бир муҳтарам адабиётшунос олимимиз олимликка талабгор ёшларимиз негадир Навоий ҳақида нисбатан кам илмий иш ёзишаётганликларини куюниб гапирди. Газетамиздаги академик Матёқуб Қўшжоновнинг мақоласидаги Ғафур Ғуломнинг: «Навоийни тушуниш қийин. Арабча ва форсча сўзлар кўп, дейишади. Навоий тенги йўқ шоир. Уни ўқишни ҳам билиш керак. Бир марта ўқиш керак, яхши тушунарли бўлмаса, иккинчи марта ўқиш керак, учинчи марта ўқиш керак. У бизнинг мулкимиз, уни эгаллашимиз керак», деган сўзларини ўқиб яна бир бор чуқур ўйга толдим. Ҳатто бундан қирқ йилча олдин ҳам Навоийни тушуниш, Навоийни англаш анча мушкул экани ҳақида гапиришган экан. Ҳайратланарлиси, шу гап бугун ҳам айтилаяпти. Ва бундан эллик-олтмиш йилдан кейин ҳам бўлиши мумкин, агар сизу биз бугун нимадир қилмасак, ана шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб, тадорик кўрмасак...

Биз Навоийдан нега, қачон бунчалик узоқлашдик? Ҳолбуки, биз Навоийни XIX асрнинг ниҳоясида ҳам яхши билардик, унга анчайин яқин эдик-ку? Навоийдан йироқлашиш, назаримда, инқилобдан кейин бошланди. Унинг сабабларини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Лекин Навоий кўкартирган «улкан боғ» ҳамон шовуллаб турибди. Унинг сасларини, нафасини ҳаммамиз-да эшитолмаяпмиз, холос. Унинг овозини эшитмоқ учун фақат унга ёвуқроқ келсак, шоир айтмоқчи, юз бурсак бўлгани. Бу боғнинг нафис ва кўркам равоқлари, шукрки, бугун ҳаммамиз учун очиқ. Фақат тайёргарлик керак. Тайёргарликсиз Навоийни англаш тугул, тушуниш ҳам мушкул. Навоийни воситасиз тушуниш учун она тилидан ташқари, балки араб ва форс тилларини ҳам мукаммал ўрганиш зарур. Ислом дини ва ундан униб чиққан тариқатларнинг ҳаммасидан хабардор бўлмоқ лозим... Навоийни воситасиз тушуниш учун камида ана шундай тайёргарлик кўриш керак.

Навоийга қайтиш керак. Навоий, айниқса, бугун бизга жудаям керак. Мамлакатимиз раҳбарининг Навоий ҳақидаги сўзларидан ҳам айнан шу маънони уқиш мумкин. Хўш, қандай қайтамиз Навоийга? Ўртадаги масофани қандай босиб ўтамиз?

Тўғри, собиқ совет даврида ҳам Навоийга мурожаат қилинган. Навоий асарлари тўла-тўкис бўлмаса-да, нашр этилган. Улуғ шоир асарлари бўйича луғат китоблари тузилган. Асарларини оммалаштириш мақсадида насрий баёнлари чиқарилган. Навоий меросини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бирга, мавжуд коммунистик мафкура тазйиқида навоийшунос олимларимиз нақадар катта қийинчиликлар билан ишлаганликларини, улуғ шоир ижодиёти «синфий қараш» таъсирида ўрганилиб, «феодал сарой шоири» деб ном олганини, Навоий асарларининг ҳақиқий маънавий-фалсафий асосларини рўй-рост очиш мумкин бўлмаганлигини... ҳам ҳеч унутиб бўлмайди.

Асл Навоийни, ҳақиқий Навоийни кашф этиш имкониятлари мустақиллик йилларидан кейин пайдо бўлди. Бугунга келиб улуғ мутафаккир шоир — миллатимиз фахрига айланди. Навоий ардоқлаган комил жамият ва комил инсонийлик идеаллари ва ғоялари мустақиллик шарофатида рўёбга чиқмоқда. Бугун биз Навоийни чуқур англасак, Навоийни теран тушунсак ва ўзимизга сингдирсак, инсоний ривожланишимиз учун шунча яхши. Лекин Навоий ижоди баҳра олган, ҳосил бериб, мева туккан манбалар — асл илдизлари борки, биз унга ҳали тугал етиб борганимиз ва айтганимизча йўқ. Бугун уларни бемалол айтиш, уларгача етиб бориш фурсати келди. Бизни мамлакатимиз раҳбарининг ўзи бунга даъват қилмоқда. Биз шундан кейин ҳам сукут сақласак, бирор ун ёки сас чиқармасак, ҳеч ким кечирмайди.

Яқинда Жалолиддин Румийнинг шоир ва таржимон Асқар Маҳкам таржимасидаги «Маънавий маснавий»синнг биринчи жилдини мутолаа қилдим. Яхши усул қўлланилган: аввал асл шеърий матн берилган. Кейин у ўзбек тилига шеърий таржима қилинган. Ана шундан кейингина унга насрий шаклда мухтасар шарҳ берилган. Бу аслида бор ва қадимий усул. Чунки қадимда илоҳий, фалсафий ва ҳуқуқий китобларга уламолар том-том шарҳлар битишган. Ҳатто Саъдий, Ҳофиз ва Бедил ғазалларига ҳам шарҳлар ёзилганидан навоийшуносларимиз хабардор бўлсалар керак. Бу усул ўша асарнинг тушунилишини осонлаштиради, ҳозирги ибора билан айтганда уни оммалаштиради. Шундай экан, бу усулдан Навоийни оммалаштириш учун ҳам фойдалансак зарар қилмаймиз. Навоийни бугунги ўқувчи тушуниши, билиши учун бугун бизга ана шундай шарҳлар керак. Тўғри, бу катта ва қаттиқ меҳнатни талаб қилади. Лекин, энг муҳими, бизда бугун ана шундай катта ва қаттиқ меҳнатни уддалай оладиган, форс ва араб тилларини мукаммал биладиган олим ва шоирларимиз бор. Фақат уларни тўплаш ва меҳнатларини рағбатлантириш керак. Бу вазифани Ўзбекистон Фанлар академияси ва тегишли нашриётлар ўз зиммасига олса мақсадга мувофиқ бўлади. Агар Навоий асарлари шарҳида ҳам Асқар Маҳкам танлаган йўлдан, яъни аввал икки байт, кейин унга шарҳ бериб борилса, Навоийни тушуниш, уни англаш учун яна бир имконият эшиги очилади. Шунда Навоий, унинг ижоди ҳақида фақат навоийшунослар эмас, оддий ўқувчи ҳам кўп гапирар, чуқурроқ назар сола оларди. Қанийди, Навоийнинг катта асарларидан тортиб, ғазаллари, тўртликларигача шарҳ бита олсак эди. Шунда Навоийнинг асли ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борар, ҳар бир ўзбек уни аслича тушунар, билар эди.

Навоий — бир уммон. Ундан беш юз йилдирки, дуру гавҳарлар терамиз, лекин у тугай демайди. Аксинча, олган жойингиздан яна бир янги гавҳар топилади, яна бир янги чечак униб чиқади. Бундай бойлигимизни бугун ҳар бир ўзбек ҳис қилиши, ундан тўлиқ баҳраманд бўла олиши керак. Навоийга қайтиш — ўзлигимизга қайтиш, ўзимизни яна бир бор кўзгуга солиш деганидир. Бу, қолаверса, мустақиллигимизнинг яна бир инояти, яна бир шафоати бўлади.

Мен шундай улуғ кунда шундай сўзларни айтмоққа жазм қилдим. Умидим битта: шояд ул кишининг руҳларини шод қилолсам, шод қилолсак...

**Исмат ХУДОЁРОВ.**

## Олий Мажлисда

# Режалар белгилаб олинди

**Кеча Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси, Олий Мажлис депутати Неъматулло Иброҳимов олиб борди.**

**Комиссия номланишидан ҳам маълумки, турли сабаблар билан юртимиздан хорижга олиб чиқиб кетилган умуммиллий аҳамиятга молик бойликларимизни аниқлаш, уларни ўрганиш ва мамлакатимизга асли ёки нусхасини қайтариб олиб келиш юзасидан иш олиб боради. Комиссия маълумотларига кўра, айни пайтда, Туркия, Франция ва Россия мамлакатларида сақланаётган бир қанча маданий бойликларимиз бўлган архив ҳужжатлари аниқланган.**

**Йиғилишда комиссия аъзолари ҳамда ваколатли идоралар вакиллари шу кунгача аниқланган ва аниқланиши зарур бўлган архив ҳужжатлари ҳақида батафсил тўхталдилар, таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунинг билан биргаликда яқинда Олий Мажлис Кенгаши томонидан тасдиқланган низом доирасида комиссиянинг келгусидаги иш режалари ҳам белгилаб олинди.**

**М. НОРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

# Санация — иқтисодий барқарорлик омили

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида дастлабки ўқув семинари очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, қўмита, идора, бирлашма ва банк раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, санация корхоналари мавжуд бўлган туманлар ҳокимлари, хўжалик раислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев йиғилишни очар экан, санация мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган муҳим тадбирлардан бири эканлигини таъкидлади.

Айтиш жоизки, давлат томонидан улкан амалий ёрдам кўрсатилаётганига қарамай, талай қишлоқ хўжалиги корхоналари бозор иқтисодиёти синовлари, ўтиш даври қийинчиликларига дош беролмай иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби уларга бошчилик қилаётган раҳбарларда масъулият, фидойилик, тадбиркорлик ҳамда ишни тўғри ташкил этиш салоҳияти етишмаётганида. Шу боис 1997 йилда "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида"ги Қонун ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида санация хўжаликлар учун катта имкониятлар очишини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Дастлаб санацияга тортилган 104 та хўжаликдан 96 тасининг ҳар бири бу жараённи фойда билан якунлади. 1999 йилда эса 150 та хўжаликдан 112 таси фақат молиявий соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларини тежаш ҳисобигагина бир йилдаёқ фойда олишга эришди. Айни вақтда ўтган йили ушбу тадбирга киритилган 82 та иқтисодий ночор корхонада фаол иш олиб борилмоқда. Бу йил улар қаторига яна 76 та хўжалик қўшилди.

Шу билан бирга, бу жараён талаблари ҳамма жойда ҳам бирдек амалга оширияпти деб бўлмайди. Хусусан, айрим ташқи бошқарувчилар ва бу ишга мутассадди раҳбарларнинг санациянинг моҳияти, мақсади ҳамда вазифаларини тўлиқ тушуниб етмаётгани оқибатида хўжаликларда ушбу механизм талабларининг ўз вақтида сифатли бажарилишига эришилмаяпти. Афсуски, баъзи масъул идоралар вакиллари санация хўжалигини жамоа хўжалигидан, ташқи бошқарувчини эса хўжалик раисидан ҳамон фарқлай олмаяпти. Натижада улар томонидан ташқи бошқарувчиларнинг ваколатларини чеклаш ёки санация моҳиятига мос бўлмаган вазифаларни қўйиш ҳоллари кузатилмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Ўқув қатнашчилари уч кун давомида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, йирик олимлар ва мутахассисларнинг санация мақсад ва вазифалари ҳақидаги маърузаларини тинглайдилар, санация имкониятларидан кенг фойдаланиш борасидаги тажриба билан танишадилар.

**(ЎзА)**

# ГУМОН ВА ҲАҚИҚАТ

Ҳозирги замон ҳаётининг муҳим жиҳатларидан бири ахборот оқимининг шиддатлилигида. Одамлар келаётган хабарларнинг қайси бири тўғрилигини дарҳол англаб олиши мушкул.

Ўрта Осиё минтақасида газ таъминоти муаммолари ҳақида турли хил хабарларни эшитиш ва ўқиш мумкин. Баъзан ҳақиқат аллақандай гумонларга ўралган тарзда берилса, баъзан мутлақ уйдирма хабарлар ҳам бор. Шунингдек, бунда "дастлабки манбалар" ўз муаммоларини бир-бирларининг зиммасига ағдаришга интиладилар.

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, шуни тушуниш мумкинки, оммавий ахборот воситаларига бундай турдаги "хабар етказувчилар" масалани мужмаллаштиришдан манфаатдордир.

Чунончи, "Олма-Ота газдан узиб қўйилади", "Газ можароси", "Заҳиралар етмайди", "Ўзбеклар қўшнисини совуқда қолдирди", "Кулфатдошлар" каби мақолаларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Чамаси, бундай сарлавҳалардан чиқадиган хулоса шундай бўлиши керакки, гўё барчасига Ўзбекистон айбдор.

Бироқ...

2001 йил, 25.01.

— Қозоғистоннинг "Хабар" агентлиги ("Қозоғистоннинг жанубий ҳудудларида газ таъминотида муаммолар туғилмоқда" мақоласи): Жанубий Қозоғистонда газ таъминотида туғилган муаммоларнинг сабаби — Ўзбекистонда ҳаво кескин совиб кетгани туфайли магистрал газ қувурларида гидрат тўсиқлар вужудга келиб, авария содир бўлишига олиб келди.

2001 йил, 27.01.

1) "Озодлик Радиоси" — Жанубий Қозоғистонга Ўзбекистондан газ узатилиши тўхтагани туфайли фавқулодда вазият вужудга келди; сабаби — республикалараро газ қувури ўтадиган Қирғизистон ҳудудида газнинг ўғирланиши.

2) Қозоғистоннинг "Хабар" агентлиги — қозоғистонлик газчилар ўзларининг қирғизистонлик ҳамкасабаларини зиммаларидаги мажбуриятларни бажармасликда айблайди.

3) "Независимая газета" — "Қирғизгаз" давлат акциядорлик корхонасининг бош директори Ўзбекистондан Қирғизистонга газ етказиб берилиши тўхташининг иккита сабабини айтиб ўтади: Бухоро вилоятидаги газ қувуридаги авария ва Бишкек томонидан қарз тўланмагани.

2001 йил, 31.01

"Транскаспий" ("Кулфатдошлар" мақоласи) — сабаб — Жанубий Қозоғистон ва Қирғизистоннинг Чуй вилоятига тортилган газ қувурида ҳаво кескин совуб кетиши туфайли Ўзбекистон ҳудудида содир бўлган авария; Қозоғистоннинг "Интергаз Центральная Азия" ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти департаменти директори бундан ташқари қирғизистонлик газчиларни газ қувуридан авария лимитида белгиланганидан ортиқроқ миқдорда газ олишда айблади.

2001 йил, 01.02.

1) "Коммерсант" газетаси ("Ўзбеклар қўшнисини совуқда қолдирди") — "Икки давлат ҳукумати (Қозоғистон ва Қирғизистон) Ўзбекистон ҳудудида газ қувурида авария содир бўлганини сабаб қилиб кўрсатса-да, "Ўзтрансгаз" компанияси мутлақо бошқа сабабни рўкач қилди: қарзлар";

2) "Транскаспий" ("Газ можароси" мақоласи) — " Интерфаксга "Қирғизгаз" акциядорлик жамиятидан хабар қилинганидек, айнан шу сабабли (қарзлар туфайли) Ўзбекистон бу йил газ етказиб бериш бўйича шартнома тузмади. Аксига олиб, газ таъминотининг тўхтатилиши Қирғизистонда ҳаво —20 градусгача совуб кетган кунларга тўғри келди.

3) "KODA" ахборот агентлиги — Қирғизистон томонидан газ санкцияланмаган тарзда олиб қўйилди, Қозоғистоннинг жанубий пойтахти аҳолиси ҳам спартанча ҳаёт кечиришга қодир эмас; "Кастрансгаз" вазиятни енгиллатишнинг ягона йўлини Қирғизистоннинг ўзига 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида жарима тўлаши ёки Қозоғистоннинг газ қувурининг Қирғизистон ҳудудидан ўтувчи қисмини ижарага олиши ёки сотиб олинишида деб билмоқда.

4) НТВ "Сегодня" — пенсионерлар Бишкек марказида Президент трассасида йўлни тўсиб қўйишди, улар уйларига газ ва электр қуввати берилишини талаб қилмоқда.

2001 йил, 2 феврал.

"Озодлик Радиоси" ўз тингловчиларига қирғиз энергетикларининг Ўш ва Чуй вилоятларига электр қуввати таъминотидаги узилишларнинг сабаби Ўзбекистондан газ узатилишининг тўхтатилишида, деган фикрини етказди.

2001 йил, 5 феврал.

1. "Хабар" газетаси "Қирғизгаз" акциядорлик жамиятининг бош директори фикрига таянган ҳолда шундай хабар беради — "25 январда ўзбек табиий газининг етказиб берилиши қуйидаги сабабларга кўра тўхтатиб қўйилди:

а) Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятида газ қувурида содир бўлган авария туфайли;

б) Қирғизистоннинг 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қарзи туфайли. Шундан 600 минг доллар тўланган".

Ҳозирги кунда бюджет ташкилотлари "Қирғизгаз"дан 80 миллион сом (тахминан 1,5 миллион АҚШ доллари) қарз, аҳоли қарзи эса 127 миллион сомни ташкил этади (2,5 миллион доллар).

2. "Деловая неделя" (Қозоғистон), "Жанубликлар умиди" мақоласи — Совет даврида 6 миллиард куб.м. газ истеъмол қилган Жанубий Қозоғистон ҳозир 4 баравар кам газ истеъмол қилмоқда, у ўз энерго ресурс манбаларига эга эмаслиги аниқ бўлиб қолди.

6 феврал куни Би-Би-Си радиостанцияси — "Бутун Қирғизистон, мана 12 кундирки, газ танқчиллигини бошдан кечирмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистон аварияни рўкач қилиб, газ таъминотини кескин камайтирди... Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, бу сабаб қуйидаги омилларга кўра шубҳали туюлади:

биринчидан, Қирғизистоннинг Ўзбекистонга газ учун қарздорлиги 2 миллион долларга яқин ва кейинги кунларда тезкорлик билан қарзни қоплаш учун 900 минг доллар тўлади, шу сабабли газ таъминотининг қарз туфайли тўхтатиб қуйилгани ишонарлироқдир;

иккинчидан, гўёки авария содир бўлган газ қувуридан Ўзбекистондан транзит билан Қирғизистон орқали Жанубий Қозоғистонга газ узатилиши давом этмоқда.

Айни пайтда, қозоғистонлик газчилар қирғизистонлик ҳамкасабаларини мунтазам равишда транзит газни ўғирлашда айблашади.

Аввалгидек, Шимолий Қирғизистонда уй-жойни иситиш ва озиқ-овқат пишириш учун газ йўқ, шунингдек, эскирган электр тармоқлари доимо бузилиб туради".

Юқоридаги хабарлар "хабарчилари"нинг шошқолоқлиги кишини ҳайрон қолдиради. Улар гўё оммавий ахборот воситалари орқали ўз фикрларини билдириш бобида ким ўзарга ўйнайди. Бу ҳол шу даражага етганки, баъзан бир куннинг ўзида икки хил газета бир мавзуни ўқувчиларга икки хил тарзда талқин қилиб беради.

Шуниси аёнки, журналистларнинг бунда айби йўқ, бошқа оммавий ахборот воситаларидаги ҳамкасбларининг мақолаларини ўқиш уларнинг вазифасига кирмайди. Уларга масалани вужудга келтирган сабаб эмас, далиллар керак, йўқса мақола эскириб қолади.

Ҳақиқатга етиш учун эса Қозоғистоннинг жанубий ва Қирғизистоннинг шимолий ҳудудлари узунлиги 1300 км. бўлган битта газ қувури орқали "зангори олов" билан таъминланишини билишнинг ўзи кифоя.

Қирғизистон аҳолиси ҳамда коммунал объектларига (асосан, қозонхоналар учун) газ узатиш "Қирғизгаз" акциядорлик жамияти ва Бишкек ТЭЦи учун "Қирғизэнерго" акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

"Қирғизгаз" акциядорлик жамиятининг 2000 йилда аҳолига узатилган табиий газ учун қарзи бўлганлиги сабабли 2001 йил газ етказиб бериш бўйича шартнома тузилмади.

Газ қазиб олинадиган туманларда об-ҳавонинг кескин совуб кетиши (— 22 градус) газ транспорт тизимида гидратнинг (суюқ фракциялар) музлаб қолишига ва қисман Газли-Чимкент магистрал газ қувурининг тўсилиб қолишига олиб келди.

Дарвоқе, айнан мана шундай фавқулодда ҳолатларни кўзда тутган ҳолда ёз ойларида авария заҳиралари яратилади — муайян миқдордаги газ газ омборига тўпланади ва зарур ҳолларда ундан фойдаланилади.

Чунончи, қозоғистонлик қўшниларимиз вақтинчалик танқчилликнинг ўрнини қоплаш учун Жанубий Қозоғистон ҳудудидаги газ омборидаги заҳираларини ишга солди. Бундан мақсад, Олма-Ота шаҳридаги истеъмолчиларга газни зарур миқдорда етказиб беришдан иборат.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон газ қувури Жанубий Қозоғистон ва Жамбул вилоятлари ҳудудидан, сўнгра Қирғизистон ва яна Қозоғистоннинг Олма-Ота вилоятидан ўтади.

Умид қиламизки, энди муштарийлар англаб етгандир: битта газ қувури орқали битта газ оқимида икки манба — Ўзбекистоннинг газ кони ва Қозоғистон газ омборидан юборилаётган газ ўтмоқда ва у охири Олма-Отага бориб етади.

Табиийки, газ таъминоти тартибида бутун магистрал бўйича газ истеъмоли қатъий интизом асосида амалга оширилиши керак.

Муштарийлар Украина ҳудудида ўзбошимчалик билан олиб қўйилган Россия гази борасидаги можарони эсласалар керак. Худди шундай "газ можароси" бизнинг ҳудудимизда ҳам содир бўлди — олмаоталикларга йўлланган газни қирғизистонликлар олиб қўйган.

"Казтрансгаз" маълумотларига кўра, магистрал газ қувуридан газнинг ўғирланиши миқдори сўнгги икки ой давомида 55 миллион куб метрни ташкил этди.

Бу ўринда қирғизистонликларнинг Бишкек ТЭЦи учун мўлжалланган газдан усталик билан фойдаланганлари хусусида ҳам тўхталиб ўтиш керак. Улар бу газни ҳақ тўламаётгани учун газсиз қолган аҳолига йўлламоқда.

Масаланинг моҳиятига етмоқчи бўлсак, собиқ шўро империяси маркази томонидан барча бир-бирига ипсиз боғлаб қўйилган эди. Ўзбекистон ва Қозоғистон куз ва қиш даврларида тегишли равишда газ ва кўмирни Қирғизистоннинг иссиқлик станцияларига етказиб беради. У ўз навбатида Тўхтагул ГЭСида электр қуввати олиш ишларини тўхтатиб қўяди.

Бу схема "Сув энергия алмашинуви" деб ном олган эди.

Маълум бўлмоқдаки, бундай айрибошлаш бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Масалан, Ўзбекистондан олинаётган газ мўлжалланган мақсад учун ишлатилмайди ҳамда Бишкек ТЭЦи учун мўлжалланган газ истеъмол секторига йўлланади.

ТЭЦ томонидан ишлаб чиқарилмаган электр қуввати Тўхтагул ГЭСида ишлаб чиқарилаётган энергия ҳисобига тўлдирилади, натижада сув омборидан қўшимча равишда сув оқизиб юборилади.

Ўзбекистон учун бу ҳолат қиш даврида катта ҳудудларнинг сув остида қолиши ва ёз ойларида Қозоғистон учун ҳам, Тожикистон учун ҳам сув етишмаслигини англатади.

Мана сизга, "сув-энергия найранги".

Шу тарзда ҳақиқат юқорида санаб ўтилган фактларни муқояса этишда эмас, балки томонларнинг бирontасида бошқалар ҳисобидан манфаат кўриш истаги бор экан, мавжуд муаммолар янада чигаллашишини англашдан иборатдир.

**М. КОМИЛОВ.**

# ТАШАББУС ДАРКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқимиз орасида қанчадан-қанча истеъдодлар бор экан, чиқаяпти. «Ўзбекистон ватаним маним» қўшиқ танловида ёш-қари бирдай иштирок этишяпти. Бу танлов жараёни тобора шаклланиб, жамоатчилик ҳаракатига айланиб, кенг оммага, кишиларимиз дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатаяпти.

**— Маълумки, бизда санъаткорлар ўз истеъдодларини намоён этишлари учун шарт-шароит, имкониятлар етарли. Бундан жамоалар, бирлашмалар қандай фойдаланишяпти? Улар қилаётган ишлардан Сизнинг кўнглингиз тўлаяптими?**

— Кўнглим тўлмаяпти. Нега?

Тўғри, «Ўзбекнаво», «Ўзбекракс», «Ўзбектеатр», «Ўзбекмузей» бирлашмаларида иш кетяпти. Бироқ... Собиқ шўро даврида боқимандаликка ўрганган айрим ходимларимиз, мутахассислар бу имкониятлар нима учун яратилаётганини, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш масаласи ниҳоятда долзарб масала эканини яхши тушунишмаяпти. Ҳукумат барибир маблағ билан таъминлайди, деб кутиб ўтириш ҳоллари учраяпти. Давлатимиз томонидан бу ёрдам кўрсатиляпти. Лекин, жамоаларнинг ўзи нега ҳаракат қилмайди, наҳотки жамоаларда ташаббускор инсонлар топилмаса? Нега ҳомийлар топишга, бирор янгилик яратишга ҳаракат қилинмаяпти? Тўғри, академик жамоалар, симфоник оркестрлар, хор капелласи, мумтоз мусиқа ансамбллари ўз-ўзини маблағ билан таъминлай олмайди. Лекин, эстрада гуруҳлари-чи?

Маданиятга инвестициялар жалб этиш масаласида ҳам ниҳоят илк қадамлар қўйиляпти.

Ҳозир тўртта қўшма корхона ташкил этиш устида иш олиб борилаётир. Америка, Германия фирмалари билан компакт дисклар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона очилиши учун барча тайёргарлик ишлари қилиб бўлинди. «Усто» бирлашмаси Италия билан ҳамкорликда «Унитош» қўшма корхонасини ишга туширди. Рангтасвир санъатига керакли бўлган ашёлар, халқ истеъмоли, саноат моллари ишлаб чиқариш учун қўшма корхона ташкил этилди. Хоразмда Хива Интур ЛТД қўшма корхонаси туризм ривожланишига хизмат қилади ва тушган маблағлар обидаларимизни таъмирлашга сарфланади. Хўш, нега «Ўзбектеатр», «Ўзбекнаво»да ҳам қўшма корхоналар тузиш мумкин эмас? Мумкин, фақат ташаббускорлик, ҳаракат, изланиш керак.

**— Ўтказилаётган кўрик-танловлар, тадбирлар халқимиз руҳиятига кўтаринкилик бахш этишига шак-шубҳа йўқ. Шу маънода «Офарин», «Ниҳол» кўрик-танловлари, «Оналар ва болалар» йилига бағишланган «Алла» конкурси ҳақида тўхталсангиз.**

— Ўтказиладиган ҳар бир кўрик танлов, тадбирларнинг ўзига хос аҳамияти бор. Масалан: «Офарин»ни оладиган бўлсак, бу танлов том маънода жамоатчилик танловига айланиб кетди. Ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган «Ниҳол» кўрик-танлови бевосита Президентимиз ташаббуси билан ўтказилди. «Ниҳол» мавқеи жиҳатидан давлат мукофоти миқёсига тенглаштирилган. «Алла» конкурсининг аҳамияти шундаки, бизнинг миллат ҳали аллани унутгани йўқ. Алла бор экан, у оналар, опалар, бувилар тилида янграётган экан, конкурс давом этаверади. Шунингдек, «Ёш дорбозлар» танловига тайёргарлик кетяпти. Бу эса миллий меросимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эътибордир. Ўзбек милилий мусиқа асбоблари саналган доира, ноғора, карнай-сурнай садолари ижросида янги оҳанглар ярата олган «Аббос» гуруҳининг пайдо бўлиши янгилик. Улар карнай-сурнай, ноғора созларини мустақил соз сифатида кўрсата олди ва унинг имкониятлари чексиз эканлигини исботлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан вазирлик томонидан яна бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Наврўз умумхалқ байрамини ташкил этиш ва ўтказиш шу куннинг асосий вазифасидир. Қолаверса, 2001 — байрамлар йилида Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, август ойида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» фестивали, мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрамларини нишонлаш маданият ва санъат аҳлидан катта сафарбарликни ва фидойиликни талаб этади. Зеро, бу байрамлар ва фестиваллар маънавиятимиз, маданиятимизнинг ёркин белгисидир. Айни кунларда эса мазкур тадбирларни ўтказиш республика ташкилий ижодий гуруҳи тузилиб, ўз фаолиятини бошлаб юборди.

**Суҳбатдош: Матлуба ТЕМИР қизи.**

# КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, ўтган йили назорат органларининг текширувлари Сирдарё ва Жиззах вилоятларида кўпайганлиги, Тошкент, Сурхондарё, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида нисбатан оз қисқаргани қайд этилди. Ўтказилган мониторинг натижасида Давлат ёнғин назорати, Давлат ветеринария инспекцияси, Санитария-эпидемиология назорати маркази, Ер ресурслари давлат қўмитаси, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа назорат органлари ходимлари томонидан асоссиз текширувлар ўтказиш ҳолатлари аниқланди. Айни пайтда хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишига йўл қўйган айрим мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмаган.

Кенгаш тижорат банклари, Давлат божхона қўмитаси, Давлат ветеринария инспекцияси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилган текширувларнинг самарадорлиги паст эканлигини қайд этди. Улар амалга оширган текширувларда ҳар еттинчи-тўртинчи хўжалик субъектида камчиликлар аниқланган, холос.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Кенгаш ҳудудий комиссияларининг ҳар бир хўжалик субъектини Текширувларни қайд этиш дафтари билан таъминлаш борасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди. Республика бўйича хўжалик субъектларининг ярми, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида эса учдан бир қисми шундай дафтарлар билан таъминланган.

Кенгаш мувофиқлаштирувчи органлар ва ҳудудий комиссияларга 2000 йилда текширувларни мувофиқлаштириш натижаларини муҳокама қилиб, текширувларни тартибга солиш юзасидан қонунчиликда белгиланган барча нормаларга риоя қилинишини таъминлашга доир қўшимча чоралар кўриш, уларни бузган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишни топширди. Шунингдек, назорат ишини янада такомиллаштириш, назорат органларининг хўжалик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклаш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи белгилаб олинди.

Йиғилишда кенгашнинг ҳудудий комиссияси раиси - Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроиловнинг ҳудудда текширувларни тартибга солиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Вилоятда ўтган йили хўжалик субъектларини текшириш олдинги йилга нисбатан 16 фоизга кўпайган. Назорат органлари ўтказган текширувларнинг 56 фоизида бирорта ҳам тартиббузарлик аниқланмагани улар фаолияти самарадорлигининг пастлигидан далолат беради. Вилоятда асоссиз текширувлар ўтказиш ҳоллари, бошқа камчилик ва тартиббузарликлар ҳам аниқланган.

Буларнинг барчаси туман ва шаҳар ҳудудий комиссияларининг фаолиятсизлиги ва улар устидан вилоят комиссияси тегишли назорат ўрнатмаганлигининг оқибатидир. Кенгаш мазкур вилоят комиссияси фаолиятини қониқарсиз деб топиб, ишда тегишли тартиб ўрнатиш ва жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича ҳисобот беришни топширди.

**(ЎзА).**

# Бир биноки...





*Янгиариқ туманида 600 ўринга мўлжалланган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг қурилишида сўнгги ишлар қилинмоқда. Барча қулайликлар мавжуд юз ўринли ётоқхона биносига эга бўлган бу муҳташам билим масканида соҳага оид олти турдаги мутахассислар тайёрланади. Коллеж қурилишини МПК — 291 вилоят жамоа қурилиш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширяпти.*

**Суратларда: янги коллеж биносининг кўриниши; қурувчи Бўтабой Сафоев.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# Дипломатик муносабатлар ўрнатилди

Нью Йоркда Ўзбекистон Республикаси ва Мьянма Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши тўғрисида Қўшма коммюнике имзоланди.

Ҳужжатни Ўзбекистон ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий вакили Алишер Воҳидов ва Мьянма Иттифоқи ҳукумати номидан шу мамлакатнинг БМТдаги доимий вакили Вин Мра имзолашди.

Томонлар расмий имзолаш маросимидан сўнг бўлиб ўтган музокараларда икки томонлама дипломатик муносабатлар ўрнатилиши Ўзбекистон Республикаси ва Мьянма Иттифоқи ўртасида дўстона алоқаларнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланиши, шунингдек, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка кўмаклашишига ишонч билдирдилар.

**«Жаҳон» АА.**

# Ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади

Куни кеча Президент Ислом Каримовга ишонч ёрлиғи топширган Туркиянинг мамлакатимиздаги янги Фавқулодда ва мухтор элчиси Решит Уман оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

- Ўзбекистон билан Туркия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига расман ўн йил тўлаяпти, лекин ўзаро алоқаларимиз узоқ даврларга бориб тақалади, - деди у. - Элчилик фаолиятимда асосий вазифам ушбу алоқаларни янада ривожлантиришдан иборат, деб биламан. Президент Ислом Каримов билан учрашиб, суҳбат давомида давлатингиз раҳбари Ўзбекистон-Туркия алоқаларига катта эътибор қаратаётганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон билан Туркиянинг минтақадаги барқарорликни сақлаш, хусусан, халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги қарашлари бир хил. Бизнинг мамлакатимиз учун халқаро террорчилик муаммоси янгилик эмас. Туркия дўст мамлакат сифатида бу иллатга қарши курашда Ўзбекистонни ҳамиша қўллаб-қувватлашга ҳозир. Биз Ўзбекистонга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдидни ўзимизга нисбатан пайдо бўлган хавф, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка тўхталадиган бўлсак, айни пайтда Ўзбекистонда Туркиянинг қирқдан ортиқ фирма ва компанияси фаолият кўрсатмоқда. Турк ишбилармонлари сармояси иштирокида юртингизда янги-янги корхоналар иш бошлаётир. Бу йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмини 20 фоизга кўтариш режалаштирилган. Апрел ойида ҳукуматлараро иқтисодий комиссиянинг мажлиси ўтказилади. Унда икки давлат ўртасида иқтисодий хамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришга ҳам эътибор қаратилади.

Анжуманда Решит Уман Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёнига юқори баҳо берди. Хусусан, Президентнинг ёшларга эътибори диққатга сазовордир. Зеро, ёш авлодни тарбиялаш, мамлакатда кадрлар тайёрлаш борасидаги сиёсатнинг изчил давом эттирилаётганлиги Ўзбекистоннинг яқин йилларда мутараққий давлатлар сафига қўшилишида муҳим ўрин тутади, деди қардош мамлакат элчиси.

**Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.**

## Марказ иш бошлади

Юнусобод тумани, «Маънавият ва маърифат» марказида Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани «Маънавият ва маърифат» кенгашларининг илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. «Ёшлар тарбиясида маънавий-маърифий кўргазмали тарғиботнинг ўрни» мавзуидаги ушбу анжуманга туман ҳокимлари, туман халқ таълими бўлими мудирлари таклиф этилди. Нотиқлар ва музокарада сўзга чиққанлар асосий эътиборни ёшларимизни замонага хос ва мос қилиб тарбиялашга қаратдилар. Шу куни туманда ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» услубий марказининг очилиш маросими ҳам бўлди. Туман ҳокимлиги ташкил этган ушбу услубий марказ нафақат ёшларни бирлаштиради, балки, уларни халқимизнинг бой тарихи, маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд эта олади. Бу ерга келган ёшлар буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи стендлар, газеталар, китоб ва сурат-лавҳаларни кўришлари мумкин. Шунингдек, марказга олимлар, тадқиқотчилар, ёзувчи ва шоирлар ҳам таклиф этилиши кўзда тутилган. Улар билан мунтазам равишда учрашувлар, кечалар уюштириб борилади.

Яна бир эътиборли томони шундаки, методик марказда Мунаввар қоридан тортиб Файзулла Хўжаевгача, Ажзийу Сўфизодагача, Қодирийдан тортиб то бизнинг замондошларимиз бўлган шоиру ёзувчиларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ўз аксини топган.

Семинар кенгашда Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби А.Болиев, Тошкент шаҳар ҳокими муовини Р. Акрамовлар сўзга чиқишди.

**М.ХОЛМАТОВА.**

## Шифокорларга хориж ускуналари

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар самараси бўлган шошилинч тиббий ёрдам илмий марказлари ташҳис ва даволаш ишларини замон талаблари даражасига кўтариш имконини бермоқда. Буни Наманганда ташкил этилган марказ фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги мавжуд 20 бўлимда даволаш ишлари баробарида соҳага оид илмий тадқиқотлар ҳам кенг йўлга қўйилган.

Наманганлик тиббиётчилар иш бошланишидан олдин Финландиянинг «Медико медикал инструментариюм» корпорацияси ҳамда Германиянинг «Дина дентаменд» фирмаси билан ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш юзасидан 5,5 миллион АҚШ доллари миқдорида шартнома имзолаган эдилар. Яқинда олмониялик ҳамкорлар шартноманинг биринчи босқичида кўзда тутилган 850 минг долларлик 27 турдаги тиббиёт воситаларини жўнатишди. Улар орасида жаҳон амалиётида фойдаланилаётган энг сўнгги нусхадаги ускуналар бор.

Кеча марказда хориждан келтирилган тиббий анжомларнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унинг иштирокчилари шошилинч ёрдам муассасаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ўрнатиш учун шайлаб қўйилган техника воситаларини кўздан кечирдилар.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров, вилоят ҳокими Т. Жабборов қатнашдилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ижтимоий ҳимоянинг муҳим шарти

***Фарғона вилоят прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган йиғилишда вилоятдаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан иш ҳақи, турли хил нафақаларни тўлаш қандай аҳволда эканлиги муҳокама этилди. Бу масала кун тартибига қўйилгани бежиз эмас. Ҳали вилоятда фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини менсимай иш ҳақларини ўз вақтида беришни таъминламаётган корхоналар, ташкилотлар учраб турибди. Улар статистика органларига ёлғон маълумотлар бериб, ҳисоботларни яширишга уринмоқдалар.***

— Вилоятдаги қатор банклар ўтган йилнинг сўнгги чорагида иш ҳақидан умуман қарз қолмади, деб маълумот беришди, — дейди вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Юсуфжон Абдукаримов. — Текширишлар эса тамоман бошқача манзарани кўрсатди. Дастлаб, иш ҳақидан 418 миллион сўм қарз борлиги аниқланди. Кейин бу рақам 1 миллиард 141 миллион сўмга кўтарилди. Касаба уюшмалари ҳисоб-китоби бўйича эса иш ҳақи ва нафақалардан қарзлар қўшиб ҳисоблангандa 2,5 миллиард сўмга етади. Кимга ишониш керак?

Хўш, бу масалада ким айбдор. Йиғилишда иш ҳақи тўлашда сансалорлик қилаётган, хўжасизликка йўл қўяётган раҳбарларнинг номлари бирма-бир тилга олиниб, кирдикорлари очиб ташланди.

Риштон туманидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» ширкат хўжалиги санацияда. Иш ҳақидан 7 миллион сўмга яқин қарзи бор. Шундай бўлишига қарамай 5 миллион сўм маблағни «Беҳзод» кичик корхонаси ҳисобига эҳтиёт қисмлар учун ўтказган. Корхона эса бу маблағни спиртли ичимликлар сотиб олишга сарфлаб юборган. Хўжалик аъзолари бўлса, ойлаб маош ололмай сарсонсаргардон юришибди.

Йиғилишда бу каби мисоллар вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳри, хўжалик ва ташкилотлари, корхона ва муассасаларида мавжудлиги мисоллар, таҳлиллар орқали кўрсатиб ўтилди. Ижтимоий ҳимоянинг муҳим тармоғи — иш ҳақи, нафақаларни ўз вақтида тўлаш ҳар бир раҳбарнинг бурчи эканлиги таъкидланди. Ўртага ташланган муаммоларни ҳал қилишнинг йўл-йўриқлари белгиланди.

Бу масала ҳуқуқ-тартибот органларининг доимий назоратида бўлиши лозимлиги таъкидланди.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Уч рассом кўргазмаси

**Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида корейс миллатига мансуб ватандошларимиз — Искра Фин, Александр Ли ва Анатолий Лигайнинг Мустақилликнинг ўн йиллигига бағишланган кўргазмаси очилди.**

**Бу мўйқалам усталарининг ижодий фаолияти ҳақида шуни айтиш керакки, улар Бадиий академия ижодкорлар уюшмаси аъзоси сифатида кўп йиллардан бери рангтасвир, графика, акварел йўналишида юртимизнинг бой табиати, гўзал манзаралари, халқимиз урф-одатлари, анъаналарини, қўлга киритаётган ютуқларини акс эттирувчи асарлар яратиб келмоқда. Мамлакатимизда ва чет элларда ташкил этилаётган турли кўргазмаларда фаол қатнашмоқда.**

**Кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Бадиий академия раиси Т.Қўзиев муаллифларнинг мамлакатимиз тасвирий санъати ривожига, уни жаҳонга танитишга қўшаётган муносиб ҳиссасини таъкидлади ва уларга академиянинг кумуш медаллари ва дипломини топширди.**

**Тадбирда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чанг Хун иштирок этди.**

**Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.**

ДИҚҚАТ !
ТАНЛОВГА ШОШИЛИНГ !

2001 йил 13 март соат 10.00 да

ДАВЛАТ МУЛК ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ

«EKSPERT VA MARKETING MARKAZI»

*давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳри, Миробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Мирobод тумани, Фитрат кўчаси, 405-уйда жойлашган 164-сонли болалар боғчасини сотиш бўйича танлов савдолари ўтказади.*

*Объектнинг бошланғич нархи - 6947271 сўм.*

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Қайта ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаларининг фаолият йўналишини ўзгаришсиз сақлаш.
2. Мактабгача, бошланғич мактаб ёшидаги болалар таълими ва тарбияси ривожланишига йўналтирилган муассасаларни ташкил этиш.
3. Мактабгача тарбия муассасаларининг бино ва иншоотларини амалдаги меъёр ва андазаларга мувофиқ равишда қайта тиклаш ва таъмирлаш.
4. Муассаса ҳудудини санитария ва ёнғинга қарши меъёрларга мувофиқ ҳолда сақлаш ва ободонлаштириш.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуний ва меъёрий ҳужжатлари асосида болалар билан олиб бориладиган таълим ва тарбиявий ишлар концепциясининг мавжудлиги.
6. Таъсисчилар низомида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳақидаги банднинг мавжудлиги.
7. Болаларга хизмат кўрсатиш тарифи бўйича таклифлар.
8. Объект нархи бўйича таклиф.

*Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади ва тендер ўтказиш кунидан уч кун олдин тўхтатилади.*

*Қўшимча маълумотлар учун Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат унитар корхонасига қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:*

Тошкент ш., Миробод тумани,
Мовароуннаҳр кўчаси, 16 а-уй. Тел.: 133-20-96.

3783

## Хўжасизлик қимматга тушди

Табиатга хўжасизларча муносабатда бўлиш эл-юрт саломатлигига қилинган тажовуздир. Яқинда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ширин шаҳри сув оқова корхонаси катта миқдордаги жарима билан сийланди. Бунга шаҳар сув тозалаш иншооти ҳудудидаги дарахтзорларни кестириб юборилгани сабаб бўлди. Ваҳоланки, бу кичик ўрмон нафақат соя-салқин берар, балки аҳолини кучли Бекобод шамолидан ҳимоя ҳам қиларди. Шу боис қўмита ушбу ташкилотга 823 минг сўм жарима солди. Бироқ жарима ўрмон эмас-да. Ана шундай ҳол учун Шароф Рашидов номли тумандаги «Истиқлол» ширкатлар уюшмаси 887 минг сўм, Сайхунобод туманидаги «Сайхун қўриқхонаси» ва «Қолғансир» ўрмон хўжалиги ҳам катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди. Хўш, бундан ким фойда кўрдию ким зарар. Ахир бу жарима пуллари биргина раҳбарлар чўнтагидан эмас, балки кишилар ризқидан ҳам ундирилаётганлиги ачинарли ҳол эмасми?

Осмонга туфласанг юзингга тушади, деганлари шу бўлса керакда. Бас, шундай экан, она табиат билан ёвлашиб эмас, дўстлашиб яшамоқ маъқулдир.

**А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Газетада босилгач...

***Маълумки, газетамизнинг шу йилги 23 январ сонида ёзувчи Саид Анварнинг «Кўргазмага марҳамат!» сарлавҳали фельетони эълон қилиниб, унда Оққўрғон туманидаги 78-сонли махсус мактаб-интернатининг ҳаётидаги жиддий камчиликлар танқид остига олинган эди.***

***Ушбу фельетон юзасидан таҳририят Оққўрғон туман ҳокими жаноб А.Деҳқонбоевнинг имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олди:***

## Фельетондан сўнг

**«Мазкур фельетон 2001 йил 23 январ куни туман ташкилот, корхона, муассаса, хўжалик раҳбарлари, мактаб директорлари, қишлоқ, маҳалла, фуқаролар йиғини раислари, жами 300 нафар туман фаоллари иштирокида муҳокама этилди.**

**Тумандаги 78-сонли махсус мактаб-интернати директорининг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараганлиги сабабли, мазкур ўқув муассасасида меҳнат ва давлат интизомига риоя қилиш бўшаштириб юборилган.**

**Мазкур ҳолатларнинг юзага келишига сабабчи бўлган мактаб-интернат директори ўз вазифасидан озод қилинди. Шунингдек, мактаб-интернатга ажратилаётган давлат маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилмаганлиги учун туман молия бўлими мудири Ф.Умаровнинг масъулияти кўриб чиқилади.**

**Шунингдек, туман ҳокимлиги томонидан махсус мактаб-интернатни йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туриш, тарбияланувчиларнинг саломатликларини доимий назорат қилиш, дори-дармон билан таъминлаш, ички ишлар бўлими, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирлар белгилаб олинди.**

**Муҳокама бўйича туман ҳокимининг қарори қабул қилинди».**

## Янги ўқув жиҳозлари кўргазмаси





*Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида ушбу йилда фойдаланишга топшириладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун замонавий, сифатли мебель ва ўқув лаборатория жиҳозлари, шунингдек, дастгоҳлар ва бошқа ўқув ускуналарини тендер асосида сотиб олиш учун танлов кўргазмаси бўлиб ўтди.*

*Кўргазмада юртимизнинг қирққа яқин ишлаб чиқариш корхонаси ўз маҳсулоти билан қатнашмоқда. Хусусан, «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси, «Файз» холдинг компанияси, «Қувамебель», «Эл» каби корхоналарда тайёрланган ўқув жиҳозлари, лингафон ва химия-физика лабораториялари учун ўқув-тажриба ускуналари бежиримлиги, сифати ва энг муҳими, хорижникидан қолишмаслиги билан эътиборни тортмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан лавҳалар.

**Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг

МИРОБОД ТУМАНИ МЕҲНАТ БЎЛИМИ

БЕПУЛ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:



- иш излаётганлар учун ўзларига мос иш топиш
- мутахассисликка эга бўлмаганларни корхоналарнинг буюртмасига мувофиқ ўқитиш ва ишга жойлаштириш
- ғишт терувчи
- дурадгор
- электр пайвандловчи
- орг.техника ва маиший техникани таъмирлаш бўйича техник
- тикувчи, бичувчи
- сартарош
- уқаловчи
- косметолог
- бухгалтер (ўзбек тилида)
- менежер
- хусусий тадбиркор
- инглиз тилида иш юритиш

ЎҚИШ МУДДАТИ 3-6 ОЙГАЧА, ЎҚИШ ПАЙТИДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

*Шунингдек, пойтахт фуқароларига вақтинчалик иш - Тошкент қурилишларида ёрдамчи ишчи, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича иш тавсия қилинади.*

*Ўзига мос иш излаш вақтида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ижтимоий ёрдам кафолатланади.*

ТЕЛ.: 54-46-69, 54-46-58.

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ Ш., ШИМОЛИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ, ШЕВЧЕНКО К, 64-УЙ.

3736

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА БОРИШ ВИЗАЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАЛАРГА ДОИР

### АХБОРОТИ

Кейинги вақтларда Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларида Корея Республикаси элчихонасида 1000 дан 2000 АҚШ долларигача миқдорда пул тўлаб, Корея Республикасига бориш учун визаларни осонгина расмийлаштириш мумкинлиги ҳақида миш-мишлар пайдо бўлди.

Бундан ташқари ҳозирда баъзи фуқароларнинг фирибгарлар қўлига тушган ҳолатлари ҳам аниқланган.

**ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**

Чет эл фуқаролари Корея Республикасига бориши учун визаларни тўлдириш, Корея Республикасига бориш-келиш ҳақидаги амалдаги қонунларга кўра амалга оширилади ва виза бериш Корея Республикаси қонунчилигининг алоҳида ажралмас ҳуқуқлари доирасига киради.

Қуйидагиларни диққат марказида сақлашингизни сўраймиз. Корея Республикасига бориш-келиш визаларини тўлдириш ҳақидаги қонуннинг 87-моддасига кўра Корея Республикаси элчихонасида бир марталик бориш-келиш визаларини расмийлаштириш учун консуллик йиғимлари қуйидаги миқдорларда амалга оширилади: 90 кунгача муддатга 30 АҚШ доллари миқдорида, 91 кундан ортиқ муддатга эса 50 АҚШ доллари миқдорида.

Корея Республикасига бориш-келиш визаларини ҳужжатлаштириш учун қабул қилинадиган барча ҳужжатлар Ўзбекистондаги Корея Республикасининг элчихонасида ишончли бўлиши учун амалдаги қонунларга кўра текширишдан ўтказилади. Ва консуллик йиғимлари олингандан сўнг, визалар берилади. Бунда ҳеч қандай учинчи бир шахснинг воситачилик қилиши талаб этилмайди.

Оддий меҳмондорчилик визаларини беришда (С-3) элчихонадаги расмий консуллик йиғимларидан ташқари ҳеч қандай қўшимча ҳақ олинмайди. Виза Корея Республикасига фуқароларнинг уч ой муддат ичида ишга ёлланиш ҳуқуқидан ташқари турист, меҳмон сифатида ва бошқа одатдаги ишларни бажариш мақсадида бориш ҳуқуқини беради. Корея Республикаси элчихонаси ҳар хил миш-мишларнинг олдини олиш, фирибгарлик қурбонлари бўлмаслиги учун мана шундай ҳолатлар ҳақида 152-31-51 (2,3) телефонига қўнғироқ қилиб, хабар берганларга миннатдорчилик билдиради ва элчихонага мурожаат қилганлар шахсан қабул қилиниши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги Корея Республикаси элчихонаси Корея Республикасига бориш-келиш визаларини ҳужжатлаштириш фақат элчихонада, Корея Республикасининг амалдаги қонунларига асосан, туристик фирмалар томонидан воситачилик йўли билан кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган хизмат ҳақларидан ташқари, бошқа ҳеч қандай ноқонуний йиғимлар ёки воситачилик ҳақлари олинмаслиги ҳақида огоҳлантиради.

**Ўзбекистон Республикасидаги Корея Республикаси элчихонаси.**

3773

ТИФЛОКС
(Ципрофлоксацин)
7 касалга 1 даво

ТЎҚИМАЛАРГА ТЕЗЛИК БИЛАН ЎТАДИ.

*Кенг спектр бўйича таъсир қилади.*




/Сурхон ажанта ЛТД

Антибактериал восита сифатида қўлланилади.

3721

*Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори*

АСПАЛЬГИН

Бу дори кучли оғриқни босади



ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

3427

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

*Сиз азизларни 2001 йил 14, 23 март кунлари соат 11.00да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги*

аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилади:

1. *Самарқанд шаҳри, Сиёб тумани, Фарҳод қўрғонида жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли насос-кучлантириш ускуналари заводининг мулкий мажмуаси: бино ва иншоотлари, автотранспорт воситалари, станоклари ва бошқа мулклари.*

Бошланғич баҳоси 169620,6 минг сўм.

*Мазкур объектга қизиқиши бор ишбилармон юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона. Республика Кўчмас мулк биржаси.
Телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Ички 153. Факс: 136-06-17.

*Сиз республика Кўчмас мулк биржасининг Самарқанд вилояти филиалига ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.*

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси,148-уй.
Телефон: (3662) 34-01-11.

3782

